Буюк ипак йўли бўйлаб

Шу кунларда Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида халқаро теннис турнири — «Буюк ипак йўли» деб юритилаётган, Челленжер туркумига кирувчи сателлит мусобақалари ўтказилмоқда.

Қарши шаҳри ҳам бир замонлар Буюк ипак йўли карвонларига хизмат қилган. Бу сафар гўё теннисчилар карвони азалий йўлга тушгандек. Қашқа воҳасига Англия, Германия, Франция, Россия каби йигирмадан ортиқ мамлакатдан моҳир теннисчилар келишган.

— Спортнинг теннис турига алоҳида эътибор бермоқдамиз, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг ўринбосари З.Мавлонов. — Вилоятда 42 та теннис ўйингоҳи бўлиб, шундан 28 таси Қаршида жойлашган. Яқинда 3 минг томошабинга мўлжалланган янги теннис ўйингоҳи фойдаланишга топширилди. Бугун мусобақанинг саралаш ўйинлари бўлиб ўтади. Ўйлаймизки, қашқадарёлик теннисчилар ҳам моҳир спортчилар қатори майдонга тушиб, маҳорат ва тажриба орттирадилар.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Экспорт учун маҳсулот

Чирчиқдаги «Асил-Осиё» асбобсозлик илмий-техника маркази «Химавтоматика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда тайёрлаётган атроф-муҳит ифлосланиши даражасини ўлчовчи асбобларнинг дастлабки туркуми Ҳиндистонга жўнатилди. Автомобиль транспорти ҳаракати вақтида чиқадиган зарарли газ таркибини ҳам аниқлаш имконини берадиган мазкур ноёб техникага бошқа мамлакатлардан ҳам буюртмалар келмоқда.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири

Ўзбек санъаткорлари Туркияда

Туркия Жумҳуриятининг 75 йиллиги муносабати билан Анқарада Биринчи халқаро маданият ва санъат фестивали очилди. Ушбу анжуманда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Давлат «Ялла» ансамбли ҳам иштирок этмоқда.

Ўзбекистон санъаткорлари ижро этган миллий ҳамда жаҳон халқлари куй ва қўшиқлари, жозибали рақслари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Фестивалнинг очилиш маросимида таниқли давлат ва жамоат арбоблари, хорижий давлатларнинг дипломатик корпус вакиллари, санъат мухлислари, Туркияда таҳсил олаётган Ўзбекистон ва бошқа республикаларнинг талабалари ҳозир бўлдилар.

Фестиваль доирасида туркийзабон жумҳуриятлар рассомларининг кўргазмаси очилди. Унда ўзбекистонлик мўйқалам усталари Абдували Мўминов, Одил ва Темур Холмирзаевларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ,
«Жаҳон» АА. Анқара

«Обуна-99»

Тадбирлар белгиланди

Қашқадарё. ХДП вилоят кенгашида обунани уюштиришга бағишланган йиғилиш бўлди. Вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов бултурги ютуқ ва камчиликлардан хулоса чиқариш лозимлигини таъкидлади. Хусусан, "Ўзбекистон овози" рўзномасига вилоятда 3800 та обуна қилинганди. Қарши шаҳрида эса 800 нусхадан ошиқ обуна бўлган. ХДП Қарши шаҳар кенгашининг иккинчи котиби Комила Каромованинг фикрича, бу йил ҳам изчил тадбирлар ишлаб чиқилган, мукофотлар белгиланган, муҳими тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган йили Деҳқонобод, Муборак, Нишон, Китоб туманларида "Ўзбекистон овози" рўзномасига обуна қониқарли эмас эди. Бу йил ана шу хатоларни такрорламаслик, обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари кўрилди. Йиғилишда шунингдек, "Мулоқот" журнали ва "Эфирда Қашқадарё" ва бошқа нашрларга обунани уюштириш ҳақида мулоҳаза юритилди.

Ўз мухбиримиз

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 10 октябрь, шанба • № 121 (23.358).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«Янги тадбир»нинг янгича тадбирлари

юртни обод, кўпчиликни хурсанд этяпти

«Янги тадбир» фирмасининг раҳбари Худоёрмирзо Мўминов янги-янги ишларни бошламаса куни ўтмайди. Фермерлик ҳаракатига биринчилар қаторида қўшилиб режали иш юритди. Бири икки бўлди. «Нуроний» жамғармаси Шаҳрихон туман бўлими қошидаги фермер хўжалигини «Янги тадбир» фирмасига айлантирди.

Етмишга етган, ҳаётнинг баланд-паст, аччиқ-чучугини кўрган Худоёрмирзо аканинг йигитларни йўлда қолдургудек ғайрат-шижоати бор. Тонгда пахтазор ораласа, қуёш чиққанида қурилиш майдонида бўлади. Маҳалладошларининг муаммоларини ечишга камарбасталик қилади. Кексаларнинг кўнглини олади, ёшларнинг ёнига боради. Орзу-мақсадлари бир олам.

Аввал хўжалик тракторлар гаражи бўлган икки гектар ерни сотиб олиб боғ яратди. Чилонжийдадан тортиб шотут кўчатларини экди. Боғнинг тўрида чойхона, меҳмонхона қурди. Тиббий марказ мажмуасини бунёд этишга киришди. Шифокорлар учун алоҳида иш хоналари, туғуруқ уйи битай деб қолди. Қурилишнинг лойиҳа қиймати 15 миллион сўм белгиланган ҳам бу ерда бораётган ишлар кўламининг кенглигини кўрсатади.

Тадбиркор Хўдоёрмирзо ака Оила йилида оналар ҳақида қайғуриб қолди. Шаҳрихон туман ҳокимлиги билан бамаслаҳат Абдубий фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи аёллар саломатлигини кўрикдан ўтказиш учун меҳнат фахрийлари бўлган шифокорлардан иборат бригада ташкил этиш ташаббускори бўлди. 40 минг сўмлик турли дори-дармон келтирди. Шифокорларга иш ҳақи бериш режасини тузди. Пахта йиғим-терими бораётган кунларда шифокорлар бригадаси оналар ҳузурида, пахтазорларда бўляптилар. Оналарнинг саломатлигини муҳофаза қиляптилар.

Ободончилик, қурилиш, хайрли ишлар ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун маълум миқдорда маблағ керак. Фирманинг 29 гектар майдони маблағ топиш манбаидир.

«Янги тадбир» деҳқонлари 12 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан 40,5 центнердан юқори навли ҳосил топширдилар. 8 гектар буғдойзорнинг гектаридан 71 центнердан дон олинди. Давлат буюртмаси ортиғи билан бажарилиб 20 тонна буғдой омборга кирди. Бу Асқарали Назаров, Юлдузхон Хидирова, Дилбархон Сотволдиева, Дилноза Асқароваларнинг меҳнатлари натижаси. Улар ҳар ойда ўртача 4500-5000 сўмдан иш ҳақи оляптилар.

Худоёрмирзо ака иқтисодчи бўлгани учун ҳар бир сўмни мақсадли йўналишга ишлатишга ҳаракат қилади. Савобли ишга миллионни ҳам аямайди.

Қишлоқдошлари учун ҳаммом қуриш нияти ҳам шундан пайдо бўлган. Тоза ичимлик сув чиқариш учун артезиан қудуғи ва унинг минорасини тиклаш ҳаракатида. Янги бунёд этилган биноларни газлаштириш, телефон келтириш ҳам режалар қаторида.

Тадбиркор хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида хитой тегирмонини ишга туширгандан буён кўпчиликнинг оғири енгил бўлди. Қишлоқдошлари буғдойни бемалол олиб келиб унга алмаштириб қайтаяптилар. Зарурат бўлса, транспорт тракторлари ҳам мижозларга хизмат қилаверади.

Айни кунларда «Янги тадбир» миришкорлари меҳнати билан ўсган 4,5 минг туп терак кўпчиликни ёғочга бўлган эҳтиёжини қондириш корига ярайди.

«Янги тадбир» фирмасининг ибратли ишлари кўп. Бажариладиганлари ҳам бисёр. Амалга оширилаётган тадбирлар юртни обод, кўпчиликни хурсанд этаётгани таҳсинга лойиқ.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

Суратда: Х. Мўминов теримчилар даврасида.
Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Тошкентда биринчи қор

«Мозийдан таралган зиё»



Янги нашрлар

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернида жаҳон андозаларига мос, ранг-баранг, бежирим ва сифатли китобларни чоп этиш бўйича тажриба тўпланган. «Мозийдан таралган зиё» китоби ана шундай асарлар сирасига киради. Бу китоб яқин кунларда таваллудининг 1225 йиллиги нишонланадиган буюк аллома Имом ал-Бухорийга бағишланган бўлиб, ўқувчилару илм аҳилларига ўзига хос тўёна бўлди. Китоб қарийб 200 бетли бўлиб 5000 нусхада чоп этилди. Унинг биринчи саҳифаси юртбошимизнинг кириш сўзи билан бошланади. Шунингдек, Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳамда халқаро ЮНЕСКО бош конференциясининг Имом ал-Бухорий юбилейини ўтказишга бағишланган қарори ҳам босилган. Ўйлаймизки, «VIII-X асрларда Моваро-уннаҳр», «Марказий Осиёда ҳадисшунослик илми тарихидан», «Имом ал-Бухорий яшаган ва ижод қилган даврда Бухоро», шунингдек, меъморлик, санъат, ҳунармандчилик, байрамлар, томошалар ва маросимларга оид илмий мақола ва маълумотлар китобхонларда қизиқиш уйғотади. Муаллифлар орасида олимлардан Бўрибой Аҳмедов, Акбар Ҳакимов, Шамсиддин Камолиддинов, Убайдулла Уватов, Абдулазиз Мансуров, Мавлуда Юсупова, Муҳсин Қодиров ва бошқалар бор. Алломанинг ҳаёти ва ижодига бағишланган бу китоб маънавиятимиз бисотини янада бойитишга хизмат қилади.

Ҳайдар НОСИРОВ

Газетамизнинг доимий муҳлисимисиз?

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмисиз?

— Компаниянгиз бўйича неча киши меҳнат қилади? Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?

Баҳром НОСИРОВ,
«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раиси:

—«Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарини мамлакатимиздаги энг нуфузли рўзномалардан деб биламан. Халқимиз бу рўзномалар орқали республикамизда рўй бераётган ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳадаги янгиликлар билан танишиб бораётганлигини доимо дилдан ҳис этиб тураман. Шу боисдан бу газеталарга компаниямизнинг марказий аппарати ва бизга қарашли фирма ҳамда корхоналаримиз ҳар йили иштиёқ билан обуна бўладилар.

Компаниямиздаги фирма, корхона ва ташкилотларида жами 12000га яқин киши меҳнат қилади. Биз аслида «Қишлоқ ҳаёти» газетаси ва «Қишлоқ хўжалиги» журналларининг таъсисчиларидан биримиз. Шунга қарамай «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарига келгуси йилда обуна бўлишни қўпайтирамиз ва ҳамкорлик қиламиз. Яна бир ниятимиз бор: бизда аввал ишлаб кетган уруш ва меҳнат фахрийларига ҳам ушбу газеталарга обуна бўлишларига кўмаклашмоқчимиз. Чунки Президентимиз айтганларидек, онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган эзгу ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди. Бу йўлда эса бу газеталарнинг роли нақадар юксак эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Поезд йўли нега қисқарди?

ёки шу соҳанинг оғриқ нуқталари ҳақида

Йўл азоби — гўр азоби, деган гапни инкор қиладиган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Аммо сурхондарёликлар уни бошқалардан ҳам кўпроқ қўллайдиган бўлиб қолишган. Биласиз, бу вилоят Ватанимизнинг энг жанубий чеккасида жойлашган. Йўқ, гап бунда ҳам эмас. Техника асрида масофа дегани нима бўпти. Бироқ, жанублик ватандошларимизни қийнаб турган нарса айнан шу улов масаласи. Анчадан буён Тошкент — Сариосиё поезди Термиздан қайтаяпти. Вилоят маркази эса, маълумки, чеккада жойлашган. Пойтахтга қараб отланган қишлоқ аҳли аввал туман марказига, у ердан Термизга етиб олиши керак бўлади. Кўринадики, поездга чиққунга қадар ҳам олис манзилни босиб ўтиш лозим. Бундай аҳволда йўл азоби ҳақида улар гапирмай ким гапирсин... Бироқ, халқнинг бу аҳволидан раҳбарлар бехабармикин?

Айнан шу саволга жавоб излаб вилоят ҳокимиятига учрадик. Ва бизга маълум бўлдики, бу муаммодан улар қўлини ювиб қўлтиғига уришган экан. Балки унинг ечимини топиш имкони бордир ҳали, деган таклифимизга, қўлингиздан келса уриниб кўринг, қабилида совуқ-қина жавоб қилишди. Сабаби, шу йилнинг май ойида вилоят ҳокими Ж. Норалиев «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси раиси Н. Эрматов номига хат жўнатиб, 79-сонли поезднинг Термиздан қайтаётгани Сариосиё, Узун, Олтинсой, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманларида истиқомат қиладиган аҳолига бирмунча қийинчилик туғдираётганлигини билдирган, иложи бўлса поезднинг аввалги йўлини тиклашни илтимос қилган экан. Афсуски, жавоб...

Ёзишмадан иш битадими?

Келинг, яхшиси «Ўзтемирйўлйўловчиларташиш» давлат корхонаси бошлиғи Т. Дадахўжаев имзоси билан ёзилган жавобнинг мағиз қисмини эътиборингизга ҳавола қилайлик:

«Сизга шуни маълум қиламизки, илгари қатнаган 80/79 Тошкент — Сариосиё тезюрар поездига хатда кўрсатилган темир йўл бекатларида 5 тадан 15 тагача маҳаллий ва узоқ масофаларга қатновчи поездларга чипталар сотилган. Жарқўрғон — Сариосиё бекатлари оралиғида бир суткада 30-40 тагача чипта сотилмоқда. Бу поездни тузиш учун кетадиган сарф-харажатлар келадиган фойдадан юқори бўлганлиги сабабли бу поездни Сариосиё бекатигача узайтириш мақсадга мувофиқ эмас».

Демак, яна халқ айбдор. Наҳотки? Бизга маълум бўлишича, умуман темир йўлда йўловчи ташиш зарар келтирар экан, холос. Наҳотки бунда ҳам халқ айбдор бўлса? Балки шундай сабаб рўкач қилиниб эрта-индин йўловчи поездлари бутунлай тўхтатиб ҳам қўйилар?

Кўриниб турибди, бу масала шунчаки гап билан ҳал бўладиган эмас. Вилоят раҳбарлари киноямуз гапирганларидек, «журналистнинг қўлидан келадиган иш»га ҳам ўхшамайди. Бироқ, барибир кимдир қачондир унинг ечимини топиши керак-ку. Мамлакатимиз жаҳонга юз тутаётганлигидан том маънода фахрланишимиз учун аввало халқимиз муаммолари бартараф қилинганлигига тўла ишонч ҳосил қилишимиз керак эмасми?

Шу хаёллар билан ортга қайтар эканмиз, Термиз темир йўл шоҳбекатидаги гавжум одамни кўриб ҳайратимиз ошади. Бетон перрон устидан ўзлари жой қилиб олганлар ҳам талайгина. Қизиқишимиз ортиб уларнинг қайси туманданлигини суриштирамиз. Во ажабо, аксарияти поезднинг «йўлни калта олаётгани»дан куюниб қолишди. Ажабланарлиси, бундай одамларнинг сони жавоб хатидагидан бир неча баробар кўп эди. Хўш, Дадахўжаев адашганми ёки бунинг бошқа сабаблари борми? Ёки поезд у томонларга ўтмай қолгандан бери йўловчи кўпайиб қолдимикин?

Йўловчи кўп, чипта эса...

Афсуски, униси ҳам, буниси ҳам эмас экан. Поездга чиққанимиздан кейин ҳаммаси маълум бўлди.

Гап шундаки, Дадахўжаевнинг жавоб хатида чипта сотиб олган йўловчилар назарда тутилган, холос. Бироқ, аксарият одам вагонларга чиптасиз жойлашиб олар экан. Сабаби эса жуда оддий. Тошкентгача плацкарт жой чиптаси 1400 (чойшаби билан), купе 2000 (чойшаби билан) сўм. Агар чиптасиз чиқилса кузатувчи плацкартда 500-600 сўм билан, купеда 1000-1100 сўм билан «олиб кетади». Бунинг устига кузатувчи чиптали йўловчидан кўра чиптасиз йўловчининг ҳурматини кўпроқ жойига қўяди. Демак, ақли расо одамнинг «левий» йўлни танлаши табиий ҳол. Бунга халқ аллақачон кўникиб ҳам қолган. Чипта сотиб олаётганлар эса одатда ё меҳмон, ё хизмат сафари билан чиққан одам ёки оиласию фарзандлари билан йўлга отлангану «проводник билан гаплашиб юриш»дан оғринган (шунда ҳам бели қувватлироқ) йўловчилар, холос.

Энди масаланинг асосий томонига ўтайлик. Шу куни биз чиққан вагонда 30 нафар йўловчи бор экан. Уларнинг атиги 5 нафаритина чипта олган, холос. Демак, компания ҳисобига вагондан бор-йўғи 6000 сўм атрофида пул тушаяпти.

Йўл ҳақи арзон бўлса

Шу ерда бир мулоҳаза туғилади, агар чипта нархи «кузатувчининг нархи»га тенглаштирилганда йўловчилар чипта сотиб олишган

(Давоми 2-бетда)

Бу дунёнинг ишлари

Мухолифатчи – Бош вазир ўринбосари

Тожикистон Бирлашган Мухолифати вакили Зокир Вазиров Президент Имомали Раҳмоновнинг Фармонига биноан Бош вазир ўринбосари этиб тайинланди. Бу ҳақда Президентнинг матбуот котиби Зафар Саидов хабар берди. Унинг сўзларига кўра, Имомали Раҳмонов миллий тотувлик комиссиясининг раиси Саид Абдулло Нурий билан 7 октябрь куни учрашганидан сўнг, ушбу Фармонга имзо чекди. Махсус ҳужжатга кўра, бундан буён мухолифатга ҳукумат ва ижроия ҳокимият таркибида ўттиз фоиз ўрин берилади.

Босиқликка даъват

БМТ Бош котибининг Эрон — Афғон можаросини барқарорлаштириш бўйича махсус вакили Лахдар Брахими кеча кечқурун Исломободга келди. У журналистларга Теҳронда тўрт кун бўлиб, Эрон раҳбарлари билан фойдали ва самарали музокаралар олиб борганлигини айтди. Брахими толиблардан ҳам Афғонистонга келишга таклифнома олган. Бироқ, Афғонистонда унинг хавфсизлигига тўлиқ кафолат бўлмаганлиги боис уларнинг вакиллари билан Покистон пойтахтида учрашмоқчи эканлигини айтди.

Афғонистон билан Эрон ўртасидаги чегарада айрим ихтилофлар бўлиб турганлиги боис, БМТ Бош котиби Кофи Аннан чуқур ташвишга тушганлигини айтди. Ўзининг куни кеча эълон қилинган баёнотида жумладан, ҳар иккала томонни босиқликка чақириб, Хавфсизлик кенгашининг 1193-резолюциясига риоя қилишни илтимос қилди.

Вакиллар палатаси овоз берди

АҚШ Конгресси вакиллар палатаси Президент Клинтон импичментга лойиқми-йўқлигини аниқлаш масалалари бўйича текширувни бошлаб юборди. Бу воқеа АҚШ тарихида учинчи бор юз бериши. Бундан аввал ҳам икки марта ана шундай ҳодиса юз берганди. Жиддий баҳслардан сўнг шу нарса маълум бўлдики, 258 конгрессмен импичментни ёқлаб овоз берди. 176 киши эса қарши чиқди. Маросим бошланишини ёқлаб Президент Клинтоннинг ўзи аъзо бўлган демократик партия вакиллари бўлмиш 31 конгрессмен ҳам овоз берди. Билл Клинтон билан Моника Левински ўртасидаги муносабатдан келиб чиқадиган текширув ишларидан ташқари қонунни бузиш масалалари ҳам кўрилади. Республикачи Генри Хайд номувофиқ ва ифлос, шу билан бирга ўта зарур вазифани бажаришимиз зарур, деди. Клинтоннинг ўзи эса менинг тақдирим Конгресс, халқ ва Худонинг қўлидадир, деди.

Ельциннинг баёноти

Россия Президенти Борис Ельцин давлат раҳбари сифатида 2000 йилгача ишлайверишини айтди. Ўтган пайшанба куни Кремлда қуролли кучлар ва бошқа идоралар олий зобитларини юқори лавозимларга тайинлаш чоғида сўзга чиқиб Ельцин айтдики, ушбу тизимлар ҳамиша бевосита Президентга бўйсуниб келишган. Шу боис, 2000 йилгача мен Россия Президенти лавозимида ишлар эканман, бу аньана давом этиши керак, деди у.

Бу дунёнинг ишлари

Фарғонада биринчи

Фарғонада пахта терими қизғин бораяпти. Фарғона, Олтиариқ ва бошқа қатор туманлар пахтакорлари йиғим-терим суръатини ошириб, зафар маррасига яқинлашмоқдалар. Бригадалар, хўжаликлар йиллик режаларини бажаришяпти. Куни кеча Фарғона туманидаги «Фарғона» деҳқон-ширкатлар уюшмаси пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб йиллик режани бажардилар. Давлатга 700 тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб берилди. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи навга сотилди.

Алишер ИБОДИНОВ

Яқинда Қўқон шаҳрида республика Миллий банки филиали қуриб фойдаланишга топширилди. Суратларда: 1. Оператор Венера Раҳимова. 2. Банк бошқаруви раиси Абдусаттор Маҳкамов (чапда) ва банк мижози Тоҳиржон Худойбердиев.

Турғунбек МАҲКАМОВ ва Нуриддин БЎТАБОЕВ олган суратлар.

Муҳокамада ҳуқуқ муҳофазаси

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Мажлислар залида ҳуқуқни муҳофаза қилиш уюшмалари ходимларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши бўлди. Йиғилишда шаҳар ва туман ҳокимлари, вазирлик ва идора раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳ. Халимов иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилиш уюшмалари ходимлари олдида турган вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Т. Камолов шу кунниг вазифалари ҳақида сўзлади. Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси С. Авезматов қатнашди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Поезд йўли нега қисқарди?

ёки шу соҳанинг оғриқ нуқталари ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда)

бўлмасмиди? Унда мана шу вагоннинг ўзидан ҳозиргидан уч баробар ортиқ, яъни 18000 сўмлик йўл ҳақи ундирилган бўларди-ку. (Қолганини ўзингиз ҳисоблаб оларсиз). Бунинг учун эса, албатта, яна чиптасизлар пайдо бўлишининг олдини олиш чоралари кўрилиши керак бўлади. Масалан, кузатувчиларнинг чиптасиз йўловчини олиб кетганлиги учун шу йўл билан топиши мумкин бўлган фойдадан кўпроқ миқдорда жарима белгилаш лозим. Бу аҳволга бефарқ қараган бригада бошлиғига унинг икки баробари миқдорида, темир йўл тафтишчиларига эса ундан ҳам каттароқ жарима белгиланиши яна-да муҳимроқ. Акс ҳолда бундай тартибсизлик, тўғрироғи, уюшган бузғунчилик барибир барҳам топмайди. Уюшган, дейишга ҳаддимиз сиғаётганлигининг сабаби шундаки, бундай аҳвол ҳозир мамлакатимиз бўйлаб қатнайдиган барча йўналишдаги поездларда оддий ҳолга айланган. Ундан фақатгина йўловчилар эмас, шоҳбекат бошлиқларидан тортиб милиция ходимларигача, яна-да каттароқ раҳбарлар ҳам яхши хабардор. Балки манфаатдор ҳам.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кузатувчиларни тартибга олиш масаласини чиптанинг ҳозирги нархи сақланган ҳолда амалга оширишнинг фойдаси бўлмайди. Чунки, биринчидан, тижорат автобусларида йўл ҳақи анча арзон (ҳозирги «проводник нархи» атрофида) эканлиги сабабли одамлар қийналиб бўлса-да улар билан кетишга мажбур бўлади. Иккинчидан эса, бу автобуслар қатнамай қолган тақдирда ҳам, йўл ҳақининг қимматлиги мижозлар сонини камайтириб юборади. Бундан бошқа бир тижорат гуруҳлари фойдаланиб қолиши мумкин, холос. Яъни, рақобатда ютқазиб қўйилади.

Йўл ҳақини арзонлаштириш тўғрисидаги таклифимизга «халқаро нарх шунақа» деган қисқагина жавоб бўлиши ҳам мумкин. Аммо, бунақа тайёр жавоблар билан қаноатланаверадиган бўлсак муаммолар ечимини умуман топа олмаймиз. Йўл қидирилганда, имкон ахтарилганда топилади, ахир. Бозор иқтисодининг тартиби ҳам шунақа — маҳсулот ёки хизмат нархи арзонлаштирилганда даромад кўпроқ бўладими, шубҳасиз шуниси танланади.

«Проводник» бойваччами?

Навбатдаги масала шундаки, мақолани ўқиган одам темирйўл хизмати эвазига кузатувчилар бойиб ётган экан-да, деган шубҳага бориши табиий. Аммо, шундаймикин? Биз шу соҳадан яхши хабардор темир йўл хизмати ходими билан суҳбатлашиб ўзгача манзарага дуч келдик. Маълум бўлишича, кузатувчиларга деярли ҳеч нарса қолмас экан. Аввало, бекатлардан чиқадиган милиция ходимларинию тафтишчиларни «рози» қилиш керак бўлади. Яна раҳбарлар ҳам бор. Энг асосийси эса, вагоннинг бутун ташвиши кузатувчи зиммасида. Ювдириш, таъмирлаш, мойлаш учун, ҳатто қоровулга ҳам нақд пул чўзилиши керак. Бекатлардан сув тўлдириш ҳам кузатувчининг чўнтак кавлаши эвазига бўлади.

Хўш, бу аҳволда масаланинг ечимини топиш мумкинми? Агар кузатувчилар «левий» йўлдан маҳрум бўлса вагоннинг ҳоли нима кечади? Ахир шу туришда ҳам уларни кўрган маймуннинг кўзига ёш келади-ку...

Панжара ҳимоя эмас

Темир йўлда йўловчи ташиш соҳасида тартиб издан чиққанлигининг, ҳамма ўз ишини қилмаётганлигининг яна бир исботи бор. Бугун барчага маълумки, кўпгина йўналишдаги поезд вагонларининг деразаси симтўр билан тўсиб қўйилган. Сабабини сўрасангиз жуда оддий — йўлда болалар тош отиб ойнани синдираётгани учун. Ахир, ойнани топиб бўладими? Яна нархи фалон сўм бўлса...

Афсуски, шу ерда бошқа бир савол туғилади. Аввало худо асрасину, аммо вагонда ёнғин чиққудай бўлса йўловчилар қаерга қочади? Биронта одам симтўрни бузиб ўта олармикин? Ойна инсон жонидан қимматроқми? Қолаверса, тош отаётган болаларни тартибга чақириш (бунақа жойлар ўзи маълум бўлиб қолган) милиция ходимларининг иши эмасмиди? Бундай болаларни аниқлаш, улар билан ишлаш, ота-оналари олдида суҳбатлашиш, керак бўлса жарима ундириш вагонда юриб «насиба» излашдан оғир эканлигини ҳамма билади. Лекин, бурч деган муқаддас нарса ҳам бор-ку. Уни симтўр ичига қамаб қўйиш мумкинмикин?

Кўмак керак

Юқоридаги каби бошбошдоқлик, ортиқча иш ўринларию «кичкина хўжайин»ларнинг кўплиги, улар орасидаги кўзга кўринмас чигалликлар ҳам ишнинг орқага тортилишига, харажатнинг ошиб кетишига сабаб бўлади. Қуйи ташкилотларни биридан бошқасига ўзгартиравериш, унда ҳам манфаатларнинг суқулиб туриши эса соҳани яна-да депсинтириб қўяди.

Демак, соҳа муаммоларини мутахассислар томонидан жиддий ўрганиб чиқиш, бошқарувнинг ҳам, ишнинг ҳам қулай вариантларини жорий қилиш зарур.

Аммо, биз суҳбатлашган шу соҳа ходимларининг фикрича, шундай ўзгаришлардан кейин ҳам темир йўлда йўловчи ташиш хизматидан харажатлар тахминан 70 фоиз атрофида қопланиши мумкин экан (Ҳозир унинг ярмича ҳам йўқ, дейишди улар). Бундан келиб чиқадики, темир йўллари компанияси умуман йўловчи ташишдан воз кечиб қўйишга ҳақли. Бу эса ўз-ўзидан мумкин эмас. Халққа жабр бўлади. Демак, қолган 30 фоиз харажат барибир давлат хазинасидан қопланиши керак. (Бу кўпгина хорижий мамлакатлар амалиётидан маълум). Бу икки томондан адолатли бўлади. Аввало, оддий халқ вакиллари бўлган йўловчилар учун темир йўл йўналишлари сақлаб қолинади, иккинчи томондан эса ҳозиргидек йўловчи ташиш зиёни юк ташиш хизмати устига тушиб унинг нархини ошириб юбормайди.

Хулоса

Хуллас, шунақа гаплар. Мулла билганини ўқийди, деганларидек, биз ҳам ўзимиз тушунганимизча фикр юритдик, холос. Мақсад эса битта — сих ҳам куймасин, кабоб ҳам. Афсуски, ҳозир иккаласига ҳам озор етмоқда. Яъни, йўловчи ташишдан зиён кўрилаётганлиги ҳам, оқибатда йўналишлар қисқариб халқ қийналаётганлиги ҳам бор гап. Лекин, маълум бўляптики, Сариосиё — Термиз йўлинигина зиён келтиради десак ўзимизни алдаётган бўламиз. Биз эса баҳона эмас, имконият ахтаришимиз даркор. Яна унутмаслигимиз керакки, халқ биздан эмас, биз ҳамиша халқдан қарздормиз.

Ўйлаймизки, бизнинг бу мулоҳазаларимиз ҳеч кимни чўчитмайди, аксинча, мулоҳазага чорлайди.

Холмуҳаммад КАРИМОВ,
журналист
Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Давлат ташрифи олдидан

ЎЗБЕКИСТОН - РОССИЯ

Ҳамкорликнинг янги босқичи

Ўзбекистон Россия билан ҳар доим ўзаро тенг ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилиши тарафдори бўлиб келган. Икки томонлама муносабатларда туб ўзгаришлар даври бошланди. Икки орадаги иқтисодий муносабатлар жадал ривожланиш палласига кирди. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1997 йилда бир миллиард олти юз миллион АҚШ долларини ташкил қилгани ҳам фикримиз далилидир. Ўзбекистондан Россияга жўнатилаётган маҳсулотлар ҳажмида хомашё камайиб, тайёр маҳсулот кўпайди. Ҳозир Россияга Ўзбекистон экспортининг 26 фоизини юксак технология асосида ишлаб чиқарилаётган «ЎзДЭУавто» автомашиналари ташкил қилаётир. Иқтисодиёт сиёсатдан устувор бўлиши керак, деган ғояга таянган ташқи сиёсатимизнинг амалий натижаси Президент Ислом Каримовнинг шу йил 5-7 май кунлари Россияга давлат ташрифи чоғида икки томонлама фойдали муҳим иқтисодий ҳужжатлар имзоланганида яна бир бор яққол намоён бўлди.

Шу маҳалгача Россия импорти асосан Ғарб давлатларига қаратилган эди. Энди Россиянинг четдан валютага маҳсулот олиш имконияти қисқараётгани кўринмоқда. Россия шу йил охиригача тўрт ярим миллиард АҚШ долларидан ошиқроқ маблағни хорижлик сармоядорларга қайтариши лозим. Келгуси йилда эса бу рақам ўн саккиз миллиардга етади. Россия ғазнасида эса бунча маблағ йўқ. Демак, Халқаро валюта жамғармаси берадиган янги қарзлар ҳам эскиларини тўлашга кетиши табиий.

Ғарб сармояси ва маҳсулотлари Россия бозоридан қочаётган бир пайтда бу бозорни эгаллаш ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчиларнинг стратегик мақсадларидан бири бўлиши керак. Президентимиз интервьюларидан бирида Ўзбекистон автомобилларининг Россиядаги савдоси масаласига тўхталиб, Россия бизнинг стратегик ҳамкоримиз, у ердаги вақтинчалик қийинчиликлар туфайли бу бозорни қўлдан бермаслигимиз лозим, деган фикрни билдирган эди.

Россия Ўзбекистоннинг бошқа турдаги маҳсулотлари учун ҳам кенг бозор мақомини ҳали бир неча ўн йил сақлаб туриши табиий. Техник ва технологик жиҳатдан бир-бирига яқин давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги табиий асосларда давом этиши бор гап. Россиядаги ички эврилишлар туфайли уларнинг узилиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

Россияда ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши неча йилдан бери давом этаётган инқироздан қутилишнинг ягона йўлидир, демоқда кузатувчилар. Бу мамлакатдаги ишлаб чиқариш корхоналарининг аксарияти илгари Ўзбекистондаги корхоналар билан яқин алоқада бўлганини ҳисобга олсак, эндиликда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг яна-да чуқурлашувидан умид қилиш мумкин. Бунга Россия Президенти Б. Ельциннинг 11-12 октябрь кунлари бўлиб ўтажак давлат ташрифи ҳам янги имкон яратиши шубҳасиз.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎзА шарҳловчиси

* * *

СУРАТЛАРДА: *Москванинг бугунги кўриниши.*
Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар

Эркин рақобат – тараққиёт мезони

Иқтисод ва ислоҳот

Мустақиллигимизнинг унча кўп бўлмаган, аммо асрларга татигулик йиллари тарихига назар ташлар эканмиз, қайси касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар, аввало иқтисодиётни яхши тушунадиган фуқаро бўлишимиз ҳозирги кун талабидир.

«ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси қурилиши натижасида ички бозоримизни енгил автомобиллар билан таъминлаш соҳасида ҳам ўзига хос мустақилликка эришдик. «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобиллари нафақат ўзимизда балки четда ҳам шуҳрат қозонмоқда.

Айниқса, «Дамас» автомобили халқимиз талабларига мос тушди. Унинг шинам ишланганлиги, кам харажатлилиги, бир қанча қулайликлари ва бошқа автомобиллардан афзалликлари бизга яхши маълумдир.

Халқ хўжалигининг кўп соҳалари бўйича бошқаларга намуна бўлиб келаётган андижонликлар бу соҳада ҳам бошқаларга нисбатан анча тажриба тўпладилар. Агар 1998 йил биринчи ярим йиллигини олиб кўрсак, Андижон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан қайд гувоҳномасини олиб якка тартибда меҳнат фаолияти кўрсатаётган шахсий ва ижарага олган транспорт воситаларини солиққа тортиш юзасидан 1998 йил 1 июль маълумотига кўра 356 та транспорт воситаси эгалари шу турдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланган. Бундан 282 таси «Дамас» автомобиллари бўлиб, улар солиқ тўловлари орқали давлатга келтирган фойда 5.545.700 сўмни ташкил этди. Қолган автотранспортларни 5 та юк машинаси, 33 та «РАФ» кичик автобуслари, 2 та автобус ва 34 та енгил автомобиллар ташкил этади. Сони ва салмоғи жиҳатидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «Дамас»нинг шуҳрати халқимизга маъқул тушганлиги билан бошқа автотранспортлардан ажралиб турибди.

Вақоланки, 1997 йил давомида 211 та автотранспорт эгалари якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланган бўлса, шундан 80-таси «Дамас» автомобили бўлиб, уларнинг давлатга келтирган даромад салмоғи 2.966.670 сўмни ташкил этган эди. Шундан кўриниб турибдики 1998 йил 1-ярим йиллигининг ўзида 1997 йилга нисбатан «Дамас» автомобилларида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш 3,5 баробар ортган.

Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлар йўловчи ташувчи давлат, акционерлик ва бошқа йирик автотранспорт корхоналарига ноқулайликлар яратаётгандир. Лекин, бозор иқтисодиётининг талаби аҳолига арзон, сифатли ва қулай хизмат қилишдан иборатдир. Аввало, ҳозирги даврда халқ ва давлат манфаатидан келиб чиққан ҳолда иш юритиб, ўзаро рақобатга бардош берган юридик ва жисмоний шахсларгина бозор иқтисодиёти даврида ўз ўрнини сақлаб қолади.

Давлат томонидан эркин рақобатга кенг йўл очиб берилиши натижасида Андижон шаҳрининг ўзида аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи хусусий автотранспортлар 1996 йили давлатга 409.300 сўм, 1997 йил 7.824.600 сўм, 1998 йилнинг олти ойида эса 7.141.700 сўм даромад келтирди.

Бизнинг фикримизча, катта ютуқларга эришаётган андижонликларнинг аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиш бўйича ушбу тажрибаси республикамизнинг бошқа шаҳарлари ва вилоятларида жорий этилса яхши натижаларга эришиш мумкин.

Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти аспиранти.

Халқаро эътироф



Мустақил Ўзбекистонимиз сиёсат, иқтисод, фан-техника тараққиётида эришаётган ютуқлари жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топмоқда. Куни кеча «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Франция саноатига кўмаклашувчи уюшма Президенти Бернар Муссондан концерн Бош директори Ислом Шоғуломов Халқаро ҳамкорлик Олий институти, Саноат стратегияси институти ҳамда Франция ташқи савдо Олий институтлари таъсис этган «Олтин медаль» — Европа мукофотига сазовор бўлганлиги тўғрисида хушхабар олди. Унда концерн раҳбари ушбу мукофотга бозор иқтисоди шароитида ўзининг реформаторлик ғоялари туфайли корхона жамоасини саноат, иқтисодиёт, савдо-сотиқ, фан ва санъат соҳаларида катта ютуқларга олиб чиққанлиги боис эришганлиги айтилган.

Энг муҳими, жаноб Муссон «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Европа ҳамжамиятидаги етакчи ва илғор корхоналар сафидан ўрин олишида Бош директорнинг концернда стратегик менежментга қўшаётган ҳиссасини алоҳида таъкидлайди.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда «Шарқ» концерни Германия, Англия, АҚШ, Хитой, Туркия, Россия, Япония, Жанубий Корея, Швейцария, Украина ишбармонлари билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга оширди. Бунда «Интрако», «Зиглох», «Фераг», «Гейдельберг», «Ветрайд», «Хелл», «Монер Мартини» каби бир неча матбаачилик фирмаларининг иштироки катта бўлди.

Юртбошимиз Ислом Каримов мамлакатимиздаги турли ташкилот ва корхоналар хорижий шериклар билан ҳамкорликда ишлаши зарурлигини доимо таъкидлайдилар. Иқтисодий ислоҳотларнинг асосий талаби ҳам шунда. «Шарқ» концерни раҳбари ва кўп сонли жамоасининг тадбиркорлиги, изланувчанлиги туфайли ишлаб чиқариш майдонлари ихчамлаштирилиб, замонавий технологиялар жорий этилди. Айни пайтда, бўш қолган жойларда «Ўзбексерокс», «Шадисо», «Шарқ таълими», «Шарқ-Мир», «Афросиёб» каби қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

«Шарқ» концерни эришаётган ютуқлар тўғрисида ҳар қанча ёзсак арзийди. Хулоса қилиб, нафақат Ўзбекистон балки Марказий Осиёда матбаа-ноширчиликнинг энг замонавий ускуна, технологияларига эга бўлган концерннинг изланувчан жамоаси ва раҳбарини юксак мукофот билан қутлаймиз ва бундан фахрланамиз.

Ўз мухбиримиз

Жиноятчилар ҳибсда

Германия полицияси Боварияда 26 нафар косоволик албан қочқини ҳамда уларни ГФР ҳудудига ўтказиб қўйиш билан шуғулланаётган жиноятчиларни ҳибсга олди. Улар ноқонуний равишда мамлакат ҳудудига қочиб ўтган.

Мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакилининг айтишича, Косово қочқинлари аввалдан ҳозирлаб қўйилган юк машиналари ёрдамида Германия ҳудудига ўтаётгани аниқланди. Бунинг учун улар машина эгасига катта миқдорда ҳақ тўлар экан. Ҳатто айрим ҳайдовчилар буни ўзларига "касб" қилиб олган.

Ҳужумга Канада ҳам қўшилмоқчи

Канада ҳукумати ўз ҳарбийлари НАТОнинг Югославияга режалаштираётган ҳаво ҳужумида иштирок этишини маълум қилди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Ллойд Эксуорснинг айтишича, унда Канаданинг Си-Эф-18 русумли бир неча қирувчи самолётлари иштирок этади. Ҳозир улар НАТОнинг Италиядаги ҳарбий ҳаво базасида турибди.

Шунингдек, ташқи ишлар вазири Югославияга НАТОнинг қуруқликдаги қўшинлари ҳам киритилгудек бўлса, уларга Канаданинг «Тинчлик кучлари» ҳам қўшилиши мумкинлигини таъкидлади.

Қўшнилар кўприк қуришди

Грузия ва Озарбойжонни бир-бири билан боғлайдиган Храм дарёси кўприги фойдаланишга топширилди. Узунлиги 238, эни 15 метр бўлган мазкур кўприк Европа Иттифоқининг молиявий кўмаги билан қурилган. Бунинг учун ЕИ 2 миллион экю ажратган эди.

Бу кўприк икки мамлакат ўртасидаги муҳим транзит йўли вазифасини бажаради. Шунингдек, у минтақада Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш борасида қилинаётган ишларнинг яна бир ёрқин кўринишидир, деди кўприкнинг очилиш маросимида иштирок этган Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе. Маросимда Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев ҳам қатнашди.

«Халқ йўли»

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят Кенгаши ва вилоят Давлат мулки бошқармасининг ижтимоий-иқтисодий газетаси — «Халқ йўли» нашр этила бошланди.

Газета чоп этила бошлаган кезлардаёқ оммалашиб кетди. Унинг мухлислари сони тобора кўпаймоқда. Негаки, ўн олти саҳифадан иборат бўлиб чиқаётган газетада вилоятдаги энг муҳим воқеалардан тортиб курраи заминимизда рўй бераётган янгиликларгача ўз аксини топаётир. Энг муҳими, газетанинг изланувчан ижодкорлари ҳар бир воқеликка холисанилло муносабатда бўлишаётгани саҳифалардаги мақолаю хабарлардан аён кўриниб турибди. Сурхондарёлик муштарийлар учун «Халқ йўли» ҳақ йўлидаги газета бўлиб қолажак.

Тўлқин УСМОН





Куни кеча Нукус шаҳрида янги минерал сув қуйиш корхонаси ишга туширилди. Германия, Австрияда ишлаб чиқарилган дастгоҳларда ишлашни яхши ўрганиб олган 12 нафар ёш ишчи соатига 4 минг шиша экологик тоза маҳсулот тайёрламоқда.

Суратларда: 1. Илғор созловчилардан Медат Рзамбетов, Анатолий Пак ва Мусиф Сисенбоев. 2. Янги корхонанинг ишлаб чиқариш цехида.

Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар

«Ўзбекистон тарихи»ни ўрганиб

Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида «Ўзбекистон тарихи» кафедралари ўқитувчиларининг малака ошириш курси якунланиб, тингловчиларга махсус гувоҳномалар топширилди. Ўзига хос ўқиш мобайнида олимлар юртбошимизнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар, ёзувчи ва журналистлар билан бўлган суҳбатида илгари сурилган долзарб масалалар асосида Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг назарий, методологик асослари, комил инсонни тарбиялашдаги ўрни, ўзбек давлатчилиги тарихи, «Авесто» ҳақида, миллий озодлик, истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ривожланишга доир муҳим маърузаларга эътибор қаратилди. Маърузаларда етакчи олимлардан У. Исломов, М. Исҳоқов, А. Саъдуллаев, Ҳ. Зиёев ва бошқалар қатнашди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

— *Ўзлик* —

Истиқлол боқий бўлгай

Мен Саудия Арабистонида яшаб турган ватандошлар ҳаётини ўрганиш ниятида у ерга бориб, уламолар, дунёвий илм олимлари, шоиру адиблар ҳамда тижоратчилар билан суҳбатда бўлганман. Илк бор 1994 йил декабрь сафарида Маккаи Мукаррамада дўстлашиб қолганим, асли марғилонлик Сафохон Жалолхон эди. У киши билан Тоиф, Мадина, Ар-Риёз шаҳридан келган ватандошлар даврасида суҳбат авжига минган. Улар мустақилликка ўта шарафли тушунча, деб қарайдилар:

Шоир ТЎЛҚИН: «Бизлар намозларда илоҳо иймонимиз басаломат бўлсин дея дуо қилмасдан, илоҳо жафокаш Ўзбекистонимиз мустақиллиги боқий бўлсин», деб фотиҳага қўл очамиз.

Сафохон ЖАЛОЛХОН: «Биз ўзбеклар бахтига Ислом Каримов омон бўлсин. Президентимиз этагини маҳкам тутиш, ҳамма бирдек унинг орқасидан бориши керак. Иншооллоҳ, у киши мустақилликни асло қўлдан бой бермайдилар».

Мўминжон ИСМОИЛЖОН АНДИЖОНИЙ: «Мустақилликка эришиш сизларнинг орзуларингиз бўлган бўлса, бизларнинг хорижда туриб қилган дуоларимиз ижобатидир. Энди уни ошга, нонга алмаштирмаслик керак».

Олимжон АНДИЖОНИЙ: «Ислом Абдуғани ўғли Каримов номи жаҳон тарихида абадий қолади. Чунки, бутун бир мамлакат мустақиллигини биринчи бўлиб шу киши эълон қилдилар».

Мадинаи Мунаввара қувалик қори Абдулҳаким хонадонида бўлганимда бир манзарадан ҳаяжонландим. Уйнинг тўрига Ўзбекистон байроғи ёйилиб, усти елим ойна билан

қоплаб қўйилганди. «Мустақиллигимизни неча ўн йиллар мобайнида орзиқиб кутганмиз, — дейди мезбон. — Бу байроқни авлодларим учун сақлайман». Даврага тўпланган дўстларнинг бари Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатини дилдан қувватлар эдилар.

1996-97 йилларда ҳам сафарда бўлишга тўғри келди. Тоиф шаҳрида бир ҳафта бўлиб дўстлар орттирдим. Бу ерда кўплаб ўзбек маҳаллалари борлиги таҳсинга лойиқ. «Агар 20 йилдан илгари келганингизда, — деб гап бошлайди Шаҳобиддин Яссавий, — у пайталарда кўчаларда саллали ўзбеклар кўп бўларди. Зеро, отамиз Ватан доғида кўз юмдилар». Андижонда туғилган Ҳабибулло Назиржон Маккада истиқомат қиларкан. У менга: «Домулло СССР деган балодан зап қутулдингларда, энди уни ҳеч тилга олманглар, — деб бир неча бор такрорлади. — Кўнглингизга олманг ўғлим, қувонганимдан йиғлайман. Андижоним омонми?»

Абдул Маннон: «Биз ҳали ватанни кўрмадик, аммо кўришга орзумандмиз. Ота-оналаримизнинг Туркистон ҳақидаги ҳикояларини доимо ёдда сақлаймиз». Кейин у «Улуғ Туркистон фожиаси» китобидан ўқиди: «Агар жаннат осмонда бўлса, унинг ости Туркистон, агар ерда бўлса, унинг усти Туркистон». Бир суҳбатда шоир Ғамгинга тегишиб: «Мавлоно, Ватандан кетганингизда ўзингизни «Ғамгин» деб атадингиз, ва бу мантиқан тўғри бўлган. Энди, шукрки, юртимиз мустақилликка эришди. Бундан шодлигингиз ғазалларингиздан маълум. Энди таҳаллусни ўзгартирсакмикан» дедим. У киши ўйланиб, «маъқул» дегандек жилмайиб қўйдилар. Шоирнинг асл исми Минҳожиддин Махсум бўлиб, билишимча, кейинчалик дардлари оғирлашган. Хайрлашув чоғида у киши менга бир ёзувни узатдилар. Ўқисам: «Ғамгин-о! Шукр айлагил, бўлди бу кун Хуррам отинг». Бу менинг саволимга жавоб эди.

«Истиқлолимиз Оллоҳнинг иноятидир, — дейди Аҳмадали ака Тўлқин, — энди буни ҳеч қандай бойликка алмаштирмаслик керак. Илоҳим, юртбошимизнинг умрлари узун бўлсин». Жиддадаги биринчи қирол Абдул Азиз ибн Сауд номли давлат шифохонасида Асаканинг Тоштепа қишлоғидан бўлмиш Қудратиллахон Тўранинг ўғли доктор Ҳидоятиллахон ишлайди. У киши сунъий буйрак қўйиш бўйича Арабистонда таниқли жарроҳ. Оталари «босмачи» дейилса-да, аслида истиқлолчилар ҳаракатининг раҳбарларидан бўлган Шермуҳаммад — Шермат қўрбоши қўшининнинг ғоявий пири бўлган.

Сайфиддин ҳожи ЖАЛИЛОВ

Суратда: *С. Жалилов Робиғ шаҳрида яшаётган бухоролик олим Каромадилло Саббоқ ҳузурида.*

ДУШАНБА 12

1
«ЎЗБЕКИСТОН» телеканали
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Замин қалбига қулоқ тут».
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.30 «Жаҳон спорти».
9.40 «Адолат мезони».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси иждодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Тожмаҳал». Бадиий фильм. 1-серия.
12.05 Ўзбек қуйларидан концерт.
12.40 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
13.00—14.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.30 «Кафолат».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Бир қадам».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод алифбоси».
21.25 «Меҳрибоним онажон». Мусиқий композиция.
22.00 «Сиёсат оламида».
22.20 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 49-кўй.
23.00 «Ахборот».
23.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Темирйўлчи».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2
«ЁШЛАР» телеканали
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Жаҳоннинг давра», Мульттомоша).
18.40 Оила йилига бағишланади. Ҳонадон.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Кулгига нима етсин. Юмористик кўрсатув.
19.35, 20.25, 22.35 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.50 Сиз севган хонанда: Муҳриддин Ҳолиқов.
21.05 Узбегим. Навоий вилоятидан тайёрланган.
21.25 «Нигоҳ». Севги ҳақида.
21.40 Араб эстрадаси.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Италия лавҳалари.
22.40 Синема. «Икки соҳил, икки тақдир».
00.20 Спорт қитъаси.
00.50 Хайрли тун!.

ЎзТВ-III
17.55 Курсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Мухлис-ТВ.
18.30 Болалар учун. «Зя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 —Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Дилором наволар.
20.10 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 ТТВ-мюзик.
22.10 Телефакт.
22.25 Халқ саломатлиги йўлида.
22.45 Мусиқий лаҳза.
22.55 Минг бир ҳикмат.
23.00 «Даракчи».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Саргузашт фильмлар экрани.
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали
16.40 Курсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Кузмунчоқ».
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Милиция сериали. «Чироқлари синган қуча».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...». Ахборот курсатуви.
21.05 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс садо».
22.05 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 50-кўй.
22.45 «Узлигинг намоён қил». Экранда — Бухоро вилояти.
23.20 «Ахборот»
23.50—23.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2
18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Эркатой», Мульттомоша).
18.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Солиқ ҳақида сабоқлар.
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Ватан манзаралари.
20.45 Болливудга нигоҳ.
21.05 Марду-майдон.
21.30 Форс-мажор.
21.40 Шарқ эстрадаси.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Эркаклар ишга киришганда». Комедия.
00.05 Спорт-китъаси.
00.35 Хайрли тун!

ЎзТВ-III
17.55 Курсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 Мусиқий лаҳзалар.
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Қуйла, ёшлигим».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Суҳбатдош».
22.15 «Морт ва Фил». Мультсериал.
22.40 «Ойдиндаги қадамлар».
23.00 «Даракчи».
23.10 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 Тунги сеанс.
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
16.40 Курсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Жоҳир».
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Милиция сериали. «Чироқлари синган қуча».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...» Ахборот курсатуви.
21.25 «Чирчиқ дарё чироқлари».
21.40 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 11-қисм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида).
000.35—00.40 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА 15

1
«ЎЗБЕКИСТОН» телеканали
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Дивр мадҳи». Мусиқий дастур.
9.05 «Мезон».
9.20 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 51-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 —Янгиликлар.
10.05 «Оила ва жамият».
10.25 «Бармоқлар сехри».
10.45 Қуйлардан қўшиқларга.
11.10 «Жараён».
11.30 «Суврак». Мультфильм.
11.40 «Талаб ва таклиф».
12.05 Кундузги сеанс. «Мимино». Бадиий фильм.
13.40 «Фан ва тараққиёт».
14.10—14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.



ЯКШАНБА 16

1
«ЎЗБЕКИСТОН» телеканали
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Кўҳна замин тароналари». Мусиқий дастур.
8.55 «Мен тупилган тупроқ».
9.15 «Узбектелефильм» намойиш этади: «Тоғнинг гули узгача».
9.35 «Соғинчли салом».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
10.30 Немис тили.
11.00 «Халқ ижодиёти».
11.20 «Оламга саёҳат». Кинокурсатув.
11.40 «Сиҳат — саломатлик» почтасидан.
12.05 Кундузги сеанс: «Қора уқ». Бадиий фильм.
13.30 «Қишлоқ ҳаёти».
14.10-14.25 «Томчи».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кузги».
18.30 «Ҳисобини билганлар».
18.50 «Шеър ва шуур».
19.00 «Узбектелефильм» намойиш этади: «СИМЕНС Узбекистонда». Премьера.
19.10 «Чемпион билан учрашув».
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Омонлик тилайлмиз».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тарихий хотирасиз, келажак йўқ».
21.40 «Равзаи жаннат боғи». Мусиқий дастур.
22.15 «Мен нечун севаман Узбекистонни». «Яратиш туйғуси».1-қисм.
22.45 «Ахборот».
«Мунаввар дунё» Дам олиш дастури:
23.15 «Азиз сиймолар».
23.35 Бадиий фильм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2
«ЁШЛАР» телеканали
18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.



(Янгиликлар, «Олтин калит», Мульттомоша).
18.45 Талабалар шаҳарчаси.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Шабнам.
19.35, 20.25,23.00 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Уй остонадан бошланади.
20.50 Мусиқий лаҳзалар.
21.00 Бизнес-доктор.
21.30 Автосалтанат.
21.40 Сиз севган гуруҳ: «Байрам».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Азизим.
22.40 Араб эстрадаси.
23.00 Синема. «Дил» (Ҳиндистон). 1-қисм.
00.20 Спорт — қитъаси.
00.50 Мунаввар тонг истаб.
01.00 «Айчурек»

ЎзТВ-III
17.55 Курсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ёрилтош». Мультфилм.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.20 Мусиқий лаҳзалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Онагинам».
20.20 Ёқимли оҳанглар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.45 «Жозиба».
21.55 «Салом, дугонажонлар!»
22.15 «Адабий иқлим».
22.40 «Мусиқий меҳмонхона».
23.00 «Даракчи».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Кинонигоҳ.
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали
Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
16.40 Курсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.45 «Масҳарабозлар». Бенни Хилл.
Россия жамоат телевидениеси
18.55 «Муъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...» Ахборот курсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.45 «Сизнинг адвокатингиз».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар» мукофоти анталогияси.
22.50 «Оскар» совриндорлари: «Орзулар трамвайи» (1950 йил). Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида).
01.15-01.20 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА 17

1
«ЎЗБЕКИСТОН» телеканали
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бустони». Телеальманах.
9.05 «Шоҳруҳ клуби».
9.25 «Ҳазрати инсон».
9.45 «Умид» намойиш этади: «Очиқ дарс».
«Вақтинг кетди».
«Мен билган, билмаган дунё».
«Кичкинтой устахонаси».
«Мардлар қўриқлайди Ватанни».
11.30 Саъдулла Сиёев. «Собиқ одам». Теленовелла.
11.55 «Куйла ёшлигим».
12.15 «Озод юрт одамлари». Публицистик кўрсатув.
12.35 Кундузги сеанс. «Гаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.
13.40 «Ҳамроз».
14.15-14.45 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Оқшом эрталари.
20.10 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.05 «Мен нечун севаман Узбекистонни...» «Отлар юрти».
2-қисм.
22.35 «Ҳамма қуриши шарт... эмас».
23.25 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури
23.55 «Куй ва тасвир».
00.15 «Ун учинчи қаллиқ». Бадиий фильм.
02.10-02.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2
«ЁШЛАР» телеканали
8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Олтин калит, У ким? Бу нима?)
9.40 Бир жуфт қўшиқ.
9.50 Кулгига нима етсин. Юмористик кўрсатув.
10.05 Узбегим. Навоий вилоятидан тайёрланган.
10.25 «Рақслар қанотида». Туркия рақс санъати.
10.45 Нигоҳ.
11.00 Сир.
11.20 Сиз севган хонанда: Муҳриддин Ҳолиқов.
11.35 Дилбарим.
11.50 Агарда сиз.
12.10 Бизнес-доктор.
12.40 «Илон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
13.10 Форс-мажор.
13.20 Цирк, Цирк, Цирк!
13.45 Жаҳон жуғрофияси.
14.35 Коктейль плюс.
14.55 «Синбад». Телесериал.
15.40 Кўнгил кўнгилга пайванд.
16.10 Синема.
17.30 Спорт — қитъаси.

***

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, Боланинг тили, Мульттомоша).
18.45 Хуш келибсиз!
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Тақдим.
19.35, 20.30, 22.40 —Эълонлар
19.40 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.25 Тўйғу.
20.45 Бизнес-академия.
21.05 Мусиқа теграсида.
21.25 Интерфутбол.
21.45 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Сенинг вақтинг.
22.45 Синема. «Мобби Дик». 1-қисм.
00.15 Мусиқий олимп.
00.35 Хайрли тун!
00.40 «Умид».

ЎзТВ-III
7.55 Курсатувлар дастури.
8.00 Мультфилм.
8.10 «Жозиба».
8.20 «Лавжой». Телесериал.
9.05 «Табиат шифохонаси».
9.20 «Онагинам».
9.40 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.25 Дилором наволар.
10.35 «Половецк қароғоҳи». А. Навоий номидаги Узбек Давлат опера ва балет театрининг спектакли.
11.25 «Бева Бланка». Телесериал.
12.10 «Гиннес-шоу».
12.40 — 14.20 Такрорий фильмлар экрани.

* * *

17.55 Курсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Мультжумбоқ».
18.35 «Етти иқлим оҳанглари».
18.50 «Таманно».
19.05 Жавохирлар сохили.
19.25, 20.00, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 Дилором наволар.
20.10 «Соғлом танда...».
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
21.55 Мусиқий майдонча.
22.20 Хориж ҳангомаси.
22.35 Мухлис-ТВ.
22.55 Мусиқий лаҳза.
23.00 «Даракчи».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Кинонигоҳ.
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали
10.00 «Эрталарнинг сехрли олами».
11.15 «Парле ву франсэ?».
11.40 «Табиат билан танишув».
12.00 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Оскар» мукофоти анталогияси.
12.25 «Оскар» совриндорлари: «Орзулар трамвайи».
14.25 — 15.55 «Байғар қасри қалитлари». Телеўйин.
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Жонли сайёра».
19.05 «Қадр кечаси». Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига.
19.25 «Мюзик Холл».
Россия жамоат телевидениеси.
20.00 «Время».
20.40 «Яқшанба кинолари». Детектив.
23.10 «Таҳлилнома» (рус тилида).
23.40 Яқшанба кинолари: «Унинг никоҳ кечаси». Мелодрама. Бош ролда Бриджит Бардо.
01.05 — 01.10 Тунингиз осуда бўлсин!

ДУШАНБА 12

1
«ЎЗБЕКИСТОН» телеканали
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Замин қалбига қулоқ тут».
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.30 «Жаҳон спорти».
9.40 «Адолат мезони».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси иждодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Тожмаҳал». Бадиий фильм. 1-серия.
12.05 Ўзбек қуйларидан концерт.
12.40 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
13.00—14.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.30 «Кафолат».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Бир қадам».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 «Оқшом эрталари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод алифбоси».
21.25 «Меҳрибоним онажон». Мусиқий композиция.
22.00 «Сиёсат оламида».
22.20 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 49-кўй.
23.00 «Ахборот».
23.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Темирйўлчи».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2
«ЁШЛАР» телеканали
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Жаҳоннинг давра», Мульттомоша).
18.40 Оила йилига бағишланади. Ҳонадон.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Кулгига нима етсин. Юмористик кўрсатув.
19.35, 20.25, 22.35 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.50 Сиз севган хонанда: Муҳриддин Ҳолиқов.
21.05 Узбегим. Навоий вилоятидан тайёрланган.
21.25 «Нигоҳ». Севги ҳақида.
21.40 Араб эстрадаси.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Италия лавҳалари.
22.40 Синема. «Икки соҳил, икки тақдир».
00.20 Спорт қитъаси.
00.50 Хайрли тун!.

ЎзТВ-III
17.55 Курсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Мухлис-ТВ.
18.30 Болалар учун. «Зя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 —Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Дилором наволар.
20.10 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 ТТВ-мюзик.
22.10 Телефакт.
22.25 Халқ саломатлиги йўлида.
22.45 Мусиқий лаҳза.
22.55 Минг бир ҳикмат.
23.00 «Даракчи».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Саргузашт фильмлар экрани.
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали
16.40 Курсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Кузмунчоқ».
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Милиция сериали. «Чироқлари синган қуча».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...» Ахборот курсатуви.
21.05 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс садо».
22.05 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 50-кўй.
22.45 «Узлигинг намоён қил». Экранда — Бухоро вилояти.
23.20 «Ахборот»
23.50—23.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2
18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Эркатой», Мульттомоша).
18.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Солиқ ҳақида сабоқлар.
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Ватан манзаралари.
20.45 Болливудга нигоҳ.
21.05 Марду-майдон.
21.30 Форс-мажор.
21.40 Шарқ эстрадаси.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Эркаклар ишга киришганда». Комедия.
00.05 Спорт-китъаси.
00.35 Хайрли тун!

ЎзТВ-III
17.55 Курсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 Мусиқий лаҳзалар.
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Қуйла, ёшлигим».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Суҳбатдош».
22.15 «Морт ва Фил». Мультсериал.
22.40 «Ойдиндаги қадамлар».
23.00 «Даракчи».
23.10 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 Тунги сеанс.
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
16.40 Курсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Жоҳир».
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Милиция сериали. «Чироқлари синган қуча».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...» Ахборот курсатуви.
21.25 «Чирчиқ дарё чироқлари».
21.40 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 11-қисм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида).
000.35—00.40 Тунингиз осуда бўлсин!

ЯКШАНБА 18

1
«ЎЗБЕКИСТОН» телеканали
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Умар номли қиз» этади.
«Оқибат».
«Талабалик йилларим».
«Ватанимга хизмат қиламан».
«Оила».
11.20 «Сурат ва сийрат». Адабий курсатув.
11.40 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
12.00 Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига.
«Ҳает карвони».
12.20 «Ҳамкорлик ва тараққиёт».
12.40 «Кўнгил мулкига сафар».
13.10 А. Иброҳимов. «Зулдир». Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрининг спектакли.
14.50 — 15.20 «Болалигим — пошшолигим».

* * *

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Омад юлдузи». Телевизион уйин.
18.25 «Узбекистон спортининг нуфузи».
18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик курсатув.
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.00 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
21.35 Телевизион миниатюралар театри.
22.15 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури
22.30 Кино янгиликлари.
22.45 «Жаҳон киноси иждодкорлари».
23.05 «Эмма». Бадиий фильм.
00.50 — 00.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2
«ЁШЛАР» телеканали
8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Спорт майдончаси, Эркатой).
9.40 Сиз севган гуруҳ: «Байрам».
10.00 Бизнес академия.
10.20 Лаззат.
10.35 «Мерос». Бадиий фильм. 5-қисм.
11.25 Болливудга нигоҳ.
11.45 Дунё ҳафта ичида.
12.05 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
12.50 «Дойче Велле» тақдим этади...
13.10 Интерфутбол.
13.55 Жаҳон жуғрофияси.
14.45 Шарқ эстрадаси.
15.00 «Синбад». Телесериал.
15.45 Узбекистон қанотлари.
15.55 Шу кунинг мавзуси.
16.15 Синема.
17.45 Шабнам.

* * *

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, бугуннинг боласи, мультфильм).
18.45 Жаҳон халқлари эстрадаси.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Н

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 10 oktyabr, shanba № 121 (23.358).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

Шифо масканларида

Номига монанд сиҳатгоҳ

Беҳиштнинг бир парчаси рўйи заминда бўлса, у айни ўзимизнинг юртда бино этилган. Ақлу шууримизда тасаввур этадиган жаннатни кўриш, наинки кўриш — унда исталганча мириқиб ором олиш ҳам юртдошларимизга насиб этаётгани баайни ҳақиқат. Обод юртимизнинг чинданда обод эканини кўзгудек акс эттираётган ул сўлим гўша Тошкентдаги «Чинобод» сиҳатгоҳидир.

Қарийб ўттиз гектар майдонда жойлашган боққа қадам ранжида қилган кишининг ажиб манзаралардан дили яйрайди. Бу ерда турфа гулларнинг муаттар бўйлари борлиқни тутган. Мевали, манзарали дов-дарахтлар ажиб гўзаллик кашф этади. Шохдан-шохга сакраётган олмахонларнинг антиқа ҳаракатлари, сайроқи қушлар чуғур-чуғури сармаст қилади. Боғ оралаб бораркансиз, бу ернинг бетакрор манзарасидан кўзингиз қувнайди.

Табиат эҳсонига монанд инсонлар меҳнати ҳам ўзига яраша самарасини бераётир. Ундан эса биринчи галда халқимиз баҳраманд бўлмоқда.

— Сиҳатгоҳимизда юртимизнинг турли қишлоғу шаҳарларидан келган меҳнаткашлар, нуроний отахону онахонлар, оналар ва болалар даволаниб, ором оладилар, — дейди бош шифокор Насим Зуфаров. — Уларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш бизнинг бурчимиз.

Бу ерда ноёб даволаш усуллари, имкониятлари мавжуд. Шифокорлар ибораси билан айтганда, бу маскан — «бальнеолотик балчиқли курорт». Ярим асрдан ошибдики, шифо масканида минглаб кишилар дардларига даво топадилар. Айниқса, 1964 йили ер остидан топилган маъдан суви манбаи бу масканни ҳақиқий сиҳатгоҳга айлантирди. Табиий даволаш омилларидан ташқари физик воситалар ёрдамида ҳам муолажа қилинади. Айрим операция қилинган беморлар учун 1990 йилдан буён тиклаш (реабилитация) бўлими хизмат кўрсатаётир.

Муолажа кўрсатиш хоналари рисоладагидек жиҳозлантирилган. Ҳар бир бемор учун шарт-шароитлар муҳайё. Замонавий бинолар гавжум дарахтлар орасида эртаклардаги кошонадек кўриниб туради. Дам олувчи ва даволанувчилар хоналарини кўздан кечирарканмиз, улар учун яратилган қулайликлардан қаноат ҳосил қилдик.

Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманидан келган Бекпошша ая Юсупова ўз таассуротларини қуйидагича баён этди:

— Илгари кўп курорт ва сиҳатгоҳларга борардим. Қора денгиз бўйларидан тортиб чет эллардаги дам олиш масканларигача кўрганман. Шу кунга қадар ўзимизнинг «Чинобод»да дам олмаганимдан афсусланиб кетдим. Негаки, юртимиз ҳавосию жамолига жуда монанд ушбу сиҳатгоҳ дунёдаги энг яхши масканлардан зиёд бўлса зиёдки, аммо камчилигини сезмадим. Бу масканнинг ҳуснига ҳусн, тароватига тароват қўшаётган нарса — азиз шифокорларнинг ширин муомаласию одамохунликларидир. Галина Григоревская, Фарида Жаҳонгирова, Назира Шайхова, Холида Очилова, Феруза Иноғомова, Абдували Носиров, Дилором Зуфарова каби шифокорлар, Зоя Морозова, Зуҳра Расулова, Муҳаббат Йўлдошева, Ира Карниенко, Фарида Ниёзова, Лутция Жумақулова, Ўғилой Очилова сингари ҳамширалар ҳар бир даволанувчининг энг яқин сирдоши, маслакдоши, дўсти бўлиб қолганлар. Дам олувчиларнинг барчаси улардан миннатдор.

Дам олувчилар асосан касаба уюшмалари йўлланмалари билан келадилар. Имтиёзли равишда дам оладиганлар ҳам кам эмас. Уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар ҳар йили 1 октябрдан 1 апрелгача бўлган муддатда йўлланманинг атиги 10 фоизи миқдорида пул тўлайдилар. Шунингдек, она-бола дам олувчиларга ҳам анча арзонлаштирилган йўлланмалар берилаётир.

Оила йили муносабати билан бу йил мингдан ортиқ оналар ва болаларга имтиёзли дам олиш имкониятлари берилган. Алалхусус, 50 ўринли «Она-бола даволаниш ва дам олиш бўлими» фаолият кўрсатиб турибди.

Сиҳатгоҳни кенгайтириш мақсадида, бу йил ҳар бири 16 ўринли иккита замонавий коттеж қурилиши мўлжалланган. Айни пайтда қурилиш лойиҳалари тайёр. Сиҳатгоҳнинг махсус қурилиш-монтаж бригадаси ушбу бунёдкорлик ишларини бошлаш арафасида.

Инсон — табиат фарзанди. У ҳамиша табиатга ошно бўлиб яшаши табиий ҳол. Сиҳатгоҳ бош агрономи Иван Пивин ташаббуси билан икки минг тупдан зиёд саноат қурилишибоп теракзлар парвариш қилинмоқда.

Изланувчан шифокорлар беморларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш, турли хасталикларни даволаш борасида тинмай меҳнат қилишади, изланишади. Икки йил илгари ташкил этилган психотерапия кабинети, эркаклар қувватсизлиги ва бепуштлигини даволаш кабинетлари ҳозирда ўз самарасини бераётир.

Сиҳатгоҳ «Маънавият ва маърифат маркази» дам олувчиларнинг талаб ва истакларини зийраклик билан ўрганиб, турли учрашувлар, бадиий кечалар уюштириб туради. Ёзги ва қишки томошагоҳларда шоир ва ёзувчилар, машҳур санъаткорлар билан бўладиган учрашувлар барчага хуш кайфият бахш этади.

Табиат гўзаллиги ва инсон нафосати уйғунлашган жойда ажиб оромгоҳ вужудга келавераркан. Буни «Чинобод» сиҳатгоҳида яққол кўриш мумкин. Илло, жаннати одамларимизга шундай жаннатий масканлар насиб этаверсин, дея тилак билдиргинг келади.

Тўлқин ЭШБЕК

Суратларда: «Чинобод» сиҳатгоҳи манзараларидан лавҳалар. Шавкат АКРОМОВ олган суратлар.

Шеър ва шуур

Жон!

(Баллада)



Нон ҳақида ўйласам
Ўйимга етолмайман.
Ушоқдек ожизману
Дардимни айтолмайман.
«Нон»! Номингдан ўргилай,
Деганча лол қоламан.
Йиллар суронида мен
Хасдайин йўқоламан.
Нон, кимларни қай кўйга
Солмади, очлик ўлсин.
Айтингки бахтимизга
Ҳамиша тинчлик бўлсин!
Тинчлик—тенг, тотув турмуш,
Мўл-кўлчилик аввалом.
Кексалар ҳам бу сўзга
Бош чайқаб дерлар болам:
Уруш қурғур юмилган
Кўзларни очар экан.
Йўқчиликдан кишининг
Ўйқуси қочар экан.
Ҳаммасин кўрдик, шукур,
Кетди у кунлар оқиб.
Сизлар кўрманг дейдилар,
Уҳ тортиб, хомуш боқиб.
Нон оти бор, ўзи йўқ,
Тушда ҳам кўрмас эдик,
Кўрсакку кўзга суртиб
Ушоғин қўймас эдик.
Бир парча қотирмаси
Бор ўйлар бозор эди.
Йўқ ўйларнинг бир ҳолда
Қисмати мозор эди.
Оғир йиллар эди-да,
Ўлмаснинг куни қурсин,
Айтинг, ҳалол топганинг
Тинчлик билан буюрсин.
Отқулоқнинг илдизин,
Еганмиз, яширмайман.
Бўлган гап, ҳа, лоф, эмас
Ошириб тоширмайман.
Қўноқ пўсти, шипирги дони
Писта пўчоғи овқат эди.
Ўт кўрмас эди халқнинг ўчоғи.
Уруш, очлик, вабодан
Қириламиз бўлмаса.
Ҳар балога чидаркан
Одам аҳли ўлмаса.
Нон десак кесак келар,
Гезаришиб ўтардик.
Бугун ўша кунларни
Биз хаёлдан кўтардик.
Ҳа, унутдик, минг афсус,
Тўқликка шўхлик экан.
Нонкўрлар шу жаннатдек
Турмушдан ҳам зериккан.
Қаттиқчилик кўрмаган
Ёшлар-да, эй, начора,
Ачинамиз уларнинг
Ҳолига биз бечора.
Дарвоқе, тўғри, қаранг,
Суратдек шўрликларни,
Улар кўрмай ўтди-да,
Биз кўрган хўрликларни.
Чориқ кийиб, оч-наҳор
Заводга чопишмади.
Сақичдек қора нонни
Жон чекиб топишмади.
Ҳаёт бир текис шундай
Кетамиз деб ўйлашар.
Йўқ, тақдирга тош отиб,
Улар бекор ўйнашар.
Ўқимайин уққанлар
Айтганлари айтган-да,
Юришарди беармон
Ҳаммалари билармон.
Ота-она, бечора,
Хизматкорлар эрта-кеч.
Ўзларича бир ишга
Эгилмаслар асло, ҳеч
Деҳқон чеккан заҳмати
Улар учун ёт бутун.
Исташмас ҳам ҳавонинг
Ёғин-сочин булутин.
Қандай қилиб нон нима,
Унинг қадрин эслашар.
Гапирсангиз, эзмалик
Қилманг, дея эснашар.
Нон бир эрмак ўрнида
Ўйнашарлар отишиб.
Қоринлари очиқса
Кавшанишар ётишиб.
Нодонлар-да, билишмас
Нонни азиз тутишни.
Табаррук нон туфайли
Киши бахтин кутишни.
Нон ҳақида ўйласам,
Гапим ҳеч тамом бўлмас.
Сиз ҳам ўйланг дўстларим,
Оқибат ёмон бўлмас.

Нафс ва қаноат

Нафс, қаноат икки унсур,
Сув-ҳаводек мисоли.
Яшаш — кураш рамзи бўлар,
Тирикликнинг тимсоли.
Нафс, нафаси тиқилганча
югуради, елади.
У кирмаган эшик қолмас,
Элни ямлаб келади.
Ўзи тўйса, кўзи тўймас,
Балойи нафс эмасми.
Анвойи хил ноз-неъмат,
Э, одамлар емасми?..
Кишиларнинг ҳаққи эмиш,
Ҳаққи бўлмай ҳам ўлсин.
Кўрган-билган:
— Дамингни ют!
Жим! — дейдилар, — еб бўлсин.
Тунлар ҳатто уйқусида —
Ҳаловат йўқ бир унинг.
(Қиш-қировли кунларда ҳам,
Кузатганмиз биз уни).
«Етиб қолма — отиб қол!» —
шу
Нафс шаънига айтилган
Қорни йўқдай қаноат ҳам,
Сабр билан етилган.
Буюрганин бўлса ейди,
Бўлмаса йўқ, оч ўлмас.
Дуч келганда:
— «Во, ҳасрато!...»
Дастурхони очилмас...
Ўз ости-ла, қаноатда,
Ҳалолликда топган у.
Нафс — хаспўшлаб қўйилган бу
Пайинг кесар қопқон у.
Тўғри йўлдан тойдирар ҳам,
Шу нафс ҳолинг «вой» қилиб.
Тилинг боғлаб, қаддинг эккан
Эл ичида лой қилиб...
Шундан «Нафсин ўлдирганлар
Султон бўлар». — Бу ҳақ гап.
Ҳеч қачон вақтиз тугаб!

Толиб ЙЎЛДОШ

«Ўн саккизга кирмаган ким бор?!»

Шоир ўз ташбеҳида раққосани илоҳий фариштага қиёслайди. Назаримда бу жуда гўзал ва ўз ўрнига тушган ташбеҳдир.

Чунки, бугунги мухтасаргина мақоламизнинг қаҳрамони ёш, исътедодли раққоса Нафиса Раимовадир. Нафиса 1981 йил Навоий шаҳрида таваллуд топган. Отаси Тўрақул ака, онаси Руҳия опалар ҳам санъат иштиёқмандлари. Айниқса, отаси Тўрақул ака хоразмча мусиқа шайдоси. Барча мусиқа асбобларини «тилга» кирита олиш қобилиятига эга. Яхшигина овози ҳам бор. Икки укаси ҳам мусиқа билан шуғулланишади. Каттаси Азиз Навоий шаҳридаги мусиқа мактабида, кичиги Фарруҳ эса Тошкентдаги Глиэр номидаги мусиқа мактабида таълим олади.

Нафисанинг ўзи эса ёшлигидан Навоий шаҳридаги Фарҳод маданият саройида рақс тўгарагида қатнашарди.У бу ерда жонкуяр санъаткорлар Муҳиддин Кенжаев, Мамлакат Раҳимовалардан рақс сирларини ўрганди. Аввал мактабда, сўнг шаҳарда, вилоятда ўтказилган кўрик танловларда иштирок этиб, турли совринли ўринларни қўлга киритди. Ёшликдаги ҳавас улғайгач қатъий аҳдга айланди. Ана шу аҳд уни Тошкент маданий оқартув техникумига етаклаб келди. У ўқиш жараёнида ҳам рақс билан жиддий шуғулланишни канда қилгани йўқ. Бу ерда устозлари ундаги ёрқин истеъдодни илғай билдилар. Кўрик-танловлар, тадбирлар усиз ўтмай қолди. Яна машаққатли меҳнатлар ўз маҳсулини берди. Шу йилнинг май ойида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Наманган шаҳрида Олий ва ўрта махсус билим юртлари талабалари ўртасида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида Тошкент маданий оқартув техникуми 2-курс талабаси Нафиса Раимова ҳам ғолиблар қаторида тилга олинди. Бу ўн саккиз яшар қиз учун катта ютуқ, албатта. Нафисанинг ўзи эса бундай ҳисобламайди:

— Мен ҳали жуда кўп нарсани ўрганишим керак. Сиз ҳеч Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Маъмура Эргашева, Малика Аҳмедова, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Феруза Солиҳова, Рушана Султоноваларнинг рақсини кузатганмисиз? Улар рақсга тушмайдилар. Аксинча, рақсга айланадилар. Саҳнада олов бўлиб ёнадилар. Оҳанг бўлиб оқадилар. Мухлисларини сел қиладилар. Қани энди уларнинг мингдан бирича рақсга туша олсам.

Умид ғунчалари

— Нафисахон, замонавий мусиқа, рақсларга қандай қарайсиз, — сўраймиз ундан.

— Мен эстрада санъатини инкор этмайман. Эстрада бугун жаҳонни забт этмоқда. Фақат уни ҳам дилдан англаш, ҳис қилиш керак. Қуруқ тарақа-туруқ оҳанг эстрада мусиқаси бўлолмаганидек, телба-тескари сакрашлар ҳам замонавий рақс бўлолмайди.

— Миллий мумтоз рақсларимиздан сиз учун энг қадрлилари қай бирлари?

— «Муножот», «Дилхирож», «Тановор», «Чўли Ироқ»... Эҳ-ҳей, санаб адоғига етолмайман уларни. Ахир, бу рақсларнинг ҳар бири ўн китобга сиғмас таърифга эга. Уларнинг ҳар бирида тарих яшайди. Келажак яшайди. Ўзбек аталмиш улуғ миллат яшайди.

— Ўзингиз севган адиблар, қаҳрамонлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?

— Адиблардан, айниқса, Абдулла Қодирийни яхши кўраман. Унинг Отабеги билан Кумуши, Анвари билан Раъноси ҳамиша ёнимда юради. Улардаги муҳаббат, самимият, фидойилик бир умр мени ҳайратга солиб келади.

ҲАЙРАТ!!! Бу ҳар бир санъаткор, у хоҳ созанда бўлсин, хоҳ хонандаю, хоҳ раққоса бўлсин, илоҳий неъматдир. Чунки, ҳайрат тарк этган одам ҳеч қачон санъаткор ҳам, ижодкор ҳам бўла олмайди. Нафиса, шоир айтмоқчи, «ўн саккизга кирмаган ким бор!» Бу ёш эса ҳайратлар туғиладиган ёш. Ана шу ёшдаги ҳайратларини асрай олган одамгина ҳеч қачон қаримайди. Бизнинг Нафисага тилагимиз ҳам шу. Уни бугунги ҳайратлари тарк этмасин. Орадан йиллар ўтиб ўн саккизга кирганлар худди бугун у ўз устозларини ҳавас билан тилга олганидек, унинг номини ҳам тилга олсинлар.

Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА, журналист.

Спорт

Йигитлар бўш келишмаяпти

Шу кунларда Фарғона, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида «Буюк ипак йўли» — Сателлит баҳсларини ўтказилаётгани, мусобақа иштирокчиларига муносиб мукофот белгиланган ўйинларнинг қизғин ва муросасиз тус олишига сабаб бўляпти. Хусусан Фарғона ва Қарши шаҳарларида қатнашаётган теннисчиларга 15 мингдан, Самарқандда бошланадиган мусобақа иштирокчиларига эса 25 минг АҚШ доллари ҳисобида мукофот белгиланган.

Маълумки, мамлакатимиз кучли теннисчилари Австралияла «Девис кубоги» учун ўтказилган навбатдаги босқич баҳсларида иштирок этиб, жамоа ҳисобида имкониятни бой беришган бўлса-да, мухлису мутахассислар олдида юртимизда теннисга алоҳида эътибор берилаётганини намойиш эта олдилар.

Шу кунларда Фарғона мусобақаси иштирокчилари ўртасида ғолиблик учун кураш қизғин давом этмоқда. Жумладан Дмитрий Томашевич россиялик Евгений Смирнов (6:0, 6:1), венгриялик Петер Мадарас (6:3, 6:0)ни мағлубиятга учратди. Олег Огородов ҳам бўш келмаяпти. У россиялик Алексей Гавриловни 2:6, 6:1, 6:3 ҳисобида енгган бўлса, мисрлик Жехада эл Дееодан 7:5, 6:3 ҳисобида устун келди. Мутахассислар ярим финалда Томашевич билан Огородов ўзаро рўбарў келиши мумкин деб тахмин қилмоқдалар. Шунингдек, мусобақада Вадим Куценко, Дима Мазур, Темир Ғаниевлар ҳам иштирок этишмоқда. Россия, Бельгия, Қозоғистон, Украина, Молдавия, Венгрия, Миср, Швеция ва Словакиядан келган теннисчилар куч синашмоқда.

Тузатиш

Газетамизнинг шу йил 8 октябрь сонида босилган «Оддий муаллим» сарлавҳали шеър англашилмовчилик туфайли Абдулла ОРИПОВ имзоси билан чиқиб кетганлиги учун газетхонлардан узр сўраймиз. Шеър муаллифи Муҳаммад Юсуф эканлигини маълум қиламиз.

ТАҲРИРИЯТ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят ва Уйчи туман Кенгашлари Уйчи тумани ҳокими Турсунпўлат Мирзамаҳмудовга отаси **Мирзамаҳмуд ҳожи ота БОЛТАБОЕВнинг** вафот этганлиги туфайли чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Тўлқин ЭШБЕК*, навбатчи *Нурбек ТОШНИЁЗ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Баҳтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 20.122 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0397

Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди 22.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА